

ЎЗБЕКИСТОНДА ИҚТИСОДИЙ ҶСИШНИ ТАЪМИНЛАШДА БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

Саидова Марҳабо Хабибулло қизи


2-курс докторанти,

Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар маркази

Мамлакатимизда иқтисодиётни рақамлаштириш ва модернизациялаш шароитида бизнеснинг аҳамияти ортиб бормоқда, бу эса бизнес ривожланиш жараёнларини статистик ўрганишнинг назарий - услубий асосларини чуқур ўрганиш, бизнес ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари бўйича жаҳон тажрибасини ўрганишни тақазо этмоқда.

Жаҳон иқтисодиётида бизнеснинг мобиллик даражасининг юқорилиги, инновацион лойиҳаларни амалиётга жорий қилиш ва бандлик муаммосининг ҳал этишдаги имкониятларининг кенглиги сабабли ҳам алоҳида ўз ўрнига эга бўлган соҳадир. Бугунги кунда кичик бизнес корхоналари миллий иқтисодиётлар ялпи ички маҳсулоти(ЯИМ)нинг 40,0 фоизигача ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Қуйидаги 1-расмда кичик бизнес улушининг ЯИМда, саноат, қурилиш, бандлик, ташқи савдодаги ўзгариш тенденциялари умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида ифодаланган бўлиб, бунда Ўзбекистон Республикасида 2000-2020 йиллар оралиғидаги ҳар беш йил мобайнидаги ўзгаришларини акс этган.




1-расм. Иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кичик бизнес улуши

Юқоридаги 1-расмда 2000 йилда ЯИМ таркибида кичик бизнес улуши 31,0 фоизни ташкил этган бўлса, 2020 йилга келиб, бу кўрсаткич 53,9 фоизга етган. 2000 йилга эса нисбатан 22,9 фоизга ошган, бу эса қарийб 1,7 баробарга ошган бўлсада, 2020 йилда 2015 йилга нисбатан 9,0 фоизга

камайган. Бунга сабаб эса мамлакатда йирик бизнес корхоналари улушининг ортиб боргани билан изоҳланади.

Ўзбекистонда кичик бизнес томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми ва иқтисодий ўсиш орасидаги алоқадорликни эмпирик текшириш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси маълумотларидан фойдаланган ҳолда 2000-2020 йиллардаги кичик бизнес томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми, кичик бизнесга йўналтирилган инвестициялар ҳажми, ҳамда ЯИМ даврий қаторлари киритилган маълумотлар базаси шакллантирилди ва уларнинг тенденцияси аниқланди.

Қуйида 2-расмда таҳлил қилинган даврда ЯИМ ва кичик бизнес томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми ўсиш тенденциясига эга эканлигини кўришимиз мумкин:



2-расм. ЯИМ ва кичик бизнес томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми боғлиқлиги

ЯИМ ва кичик бизнес томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми орасидаги боғлиқлик йўналишини аниқлаш учун Грейнджер алоқадорлик тести қўлланилади. Бир нечта ўтказилган тадқиқот натижаларига асосан, кичик бизнес томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми ва иқтисодий ўсиш ўртасидаги алоқадорликнинг статистик, математик таҳлили Ўзбекистон шароитида бизнес ўсишга энг кучли таъсир этувчи омил кичик бизнесга йўналтирилган инвестициялар ҳажми эканлигини кўрсатади.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ўсиш кичик бизнес томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми ўртасида икки томонлама алоқадорлик мавжуд бўлиб, бу эса Йохансен тести асосида исботланади.

Иқтисодий ўсишни таъминлашда бизнесни ривожлантиришнинг ўзига ҳос хусусиятлари ва устувор йўналишларини аниқлаш муҳим бўлиб, бунда бизнес жараёнларини моделлаштириш соҳада олиб борилаётган тадқиқотларда асосий масалалардан бири ҳисобланади. Ҳозирда бизнес жараёнларини моделлаштиришнинг 20 ортиқ усуллари мавжуд бўлиб, улар

асосан маълумотлар турларидан келиб чиққан ҳолда танланади. Тадқиқот натижалар кўп ҳолларда бизнес жараёнларини таҳлил қилишда қўлланиладиган моделлар асосан олтита бўлиб, уларга регрессив моделлар, хатони тузатиш (ECM) модели, вақт ўзгарувчилиги (TVP), коинтеграция (CI), вектор авторегрессив, авторегрессив лаг (ADLM, AIDS) каби моделлар биз кутган натижаларни беради. Ҳисоб-китоблар барчага қулай бўлиши учун регрессия тенгламасини тузиш, тузилган тенглама ва унинг параметрларининг статистик маънодорлигини баҳолашда MS EXCEL, STATA, EViews, SPSS, GRETL дастурий маҳсулидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Иқтисодий ўсишни таъминлашда бизнесни ривожлантиришдаги олинган натижаларни статистик баҳолашда бизнес кўрсаткичларининг вақтли қаторлар асосида шакллантирилишини инобатга олиб, уларнинг таҳлилида лагларини яъни олдинги ҳолатининг таъсири ва жорий таъсирлари умумлаштириш лозим.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда иқтисодий ўсишни таъминлашда бизнесни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади, мамлакатимиздаги умумий ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ҳолатларнинг ўзига ҳос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолатда бизнес ривожига ижобий таъсир этувчи муҳитни яратиш, бизнес ривожига учун сценарийлар вариантларини тақдим этиш қайси йўналишлар устувор эканлигини белгилайди.